



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2026 йил – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 25 сентябрь, № 200 (9371)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



АНДИЖОННИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ АҲОЛИ ТУРМУШИ ФАРОВОНЛИГИДА НАМОЁН БЎЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 24 сентябрь куни Андижон вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилди.



Давлатимиз раҳбари вилоятда амалга оширилаётган ислохотлар натижаларига тўхталиб, жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодиёт 8,8 фоизга ўсганини қайд этди. Саноат, хизматлар ва инвестицияларда ҳам ижобий суръатлар кузатилмоқда. Шу билан бирга, энг муҳим мезон бу кўрсаткичлар ҳар бир оиланинг кундалик ҳаётида қандай акс этаётгани экани таъкидланди.

Андижонда ер ва табиий бойликлар чекланган бўлса-да, ҳаракатчан аҳоли, кучли тадбиркорлик руҳи, кўп сонли ёшлар, шаклланган саноат мактаби ва катта бозор мавжуд. Сўнгги йилларда вилоятда ажратилаётган бюджет маблағлари ва кредит ресурслари сезиларли кўпайди, маҳаллий раҳбарларга кенг ваколатлар берилди. Энди ушбу имкониятларни юқори даромадли иш ўринлари ва аҳоли фаровонлигига айлантириш талаб этилади.

Йиғилишда, аввало, инвестицияларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш масаласи кўриб чиқилди. Саноат ва тадбиркорлик учун ажра-

тилган 1 минг гектар майдонда 7 миллиард доллар инвестиция ҳисобига камида 70 минг юқори даромадли иш ўрни яратиш имконияти борлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу билан бирга, сармояларнинг мамлакатлар ва тармоқлар бўйича таркиби етарлича диверсификация қилинмагани, ахборот технологиялари ва тадқиқот йўналишларига инвестициялар кам жалб этилаётгани таъкидланди. Вилоятда малакали кадрлар ва экспорт имкониятлари мавжуд бўлган соҳаларнинг технологик базасини мустаҳкамлаш зарурлиги билдирилди.

Асакада автомобилсозлик ва машинасозлик бўйича тўпланган тажриба асосида ўз технологияларини яратишга ўтиш вазифаси қўйилди. “Асака муҳандислик водийси”ни ташкил қилиб, дастурий маҳсулотлар, электроника, электромеханика ва муҳандислик хизматлари занжирини йўлга қўйиш муҳимлиги қайд этилди.

Тўқимачиликда ҳам мавжуд қувватлардан юқори самара билан фойдаланиш, хорижий дизайнер, конструктор

ва брендларни жалб этиб, қиймати юқори маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиш зарур. Инвестиция натижадорлиги ҳар бир квадрат метр майдонда яратилган қўшилган қиймат билан баҳоляниши белгиланди.

Қорақалпоғистон тажрибаси асосида бошқа ҳудудларда ҳам лойиҳалар менежери лавозимлари жорий этилади. Андижондаги менежер вилоятнинг янги инвестиция моделини шакллантиришга масъул бўлади. Туманларнинг саноат, хизматлар ва қишлоқ хўжалиги имкониятлари сунъий интеллект ёрдамида баҳоляниб, юқори самара берадиган йўналишларга сармоя жалб қилиш режаси ишлаб чиқиладди.

Йирик корхоналар фаолиятини кенгайтириш ва уларни технологик модернизация қилиш орқали янги иш ўринлари яратиш чоралари кўрилади. Келгуси йил вилоятда камида 10 фоиз иқтисодий ўсишни таъминлаш, 5 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш ва экспортни 1,5 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги ва қишлоқ аҳолиси даромадларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Улўғнорда пахтадан озуқа экинларига ўтказилган майдонлар ҳамда дала четларидан самарали фойдаланиш орқали чорвачиликни кенгайтириш имкониятлари кўрсатиб ўтилди. Улўғнор ва Бўстонда йирик чорвачилик комплекслари лойиҳаларини ишлаб чиқиш топширилди.

Балиқчидаги товуқ гўшти етиштириш комплекси тажрибаси асосида Жалақудук ва Хўжаободда янги паррандачилик лойиҳалари бошланади. Улўғнорда балиқчилик кластери ташкил этилади.

Жалақудук, Марҳамат, Асака ва Андижон туманларидаги адир ерларини иқтисодий айланмага киритиш учун алоҳида “Агростар” компанияси ташкил этилади. Баҳоргача 4-5 минг гектар майдонга сув чиқариб, саноатлашган боғлар барпо этиш бошланади. Боғлар уч йил парваришланиб, аҳолига тайёр ҳолда тақдир қилинади. Мева-сабзавотчиликда “гектардан —

максимал қиймат” тамойилига ўтиш белгиланди. Аҳолига кичик қайта ишлаш ускуналари лизингга берилиб, туман брендларини яратиш рағбатлантирилади. Натижада етиштирилган маҳсулотни қайта ишлаш улушини 30 фоизга, экспортни 500 миллион долларга етказиш имкони бор. Балиқчидаги иссиқхона лойиҳаси тажрибаси республика бўйлаб оммалаштирилади.

Ташқи бозорда пахтага талаб пайсиди, экспортда логистика харажатлари ошиб бораётган шaroитда фермерлар, кластерлар ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун қўшимча кўмак чоралари белгиланди.

Пахтани биржада сотган фермерга ҳам, уни сотиб олган кластерга ҳам ҳар тонна учун 500 минг сўмдан субсидия берилади. Ўз ерида пахта етиштирган кластерлар эса гектарига 1,5 миллион сўмдан субсидия олади. Тайёр маҳсулот экспортчиларининг кредит фоизлари бир қисмини уч йил давомида компенсация қилиш бўйича ҳисоб-китоблар киритиш топширилди. Маркетинглар орқали сотилган маҳсулот қийматининг бир

қисмини қайтариш юзасидан ҳам тақлифлар тайёрланади.

Кўп иш ўрни яратаётган саноат корхоналари алоҳида рағбатлантирилади. Камида минг нафар ишчиси бўлган корхоналарда ходимларни ўқитиш, малакасини ошириш ва ишга олиб келиш ҳамда олиб кетиш харажатларининг ярми компенсация қилинади. Камида беш йил ишлаган ходимларга фарзандларининг шартнома тўлови қоплаб берилади. Иш ўринлари сони мингтага яқинлашган корхоналар учун ҳам грантлар ажратилади.

Саноатдаги янги лойиҳаларни малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида Андижонни Фарғона водийсининг муҳандислик кадрлари марказига айлантириш вазифаси қўйилди. Вилот олийгоҳлари ва техникумларининг салоҳиятини ишлаб чиқариш билан узвий боғлаш зарурлиги таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Мабулот хизмати суратлари.

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўтган йили Тошкент шаҳрида “БМТ-аёллар” ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий офиси иш бошлаган эди. Унинг очилиши мазкур тузилма ва мамлакатимиз ҳукумати ўртасидаги давомли ҳамкорликнинг муҳим босқичи ҳисобланади. Бу Ўзбекистонда гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш миллий ривожланишининг устувор йўналиши сифатида тан олинганини намоён этади. Ўз навбатида, “БМТ-аёллар” ташкилотига ўз ҳамкорлари ва миллий институтларга кўмагини янада кучайтириш, гендер сезгир сиёсатларни илгари суриш ҳамда барча соҳаларда аёллар ҳуқуқларининг тўлиқ амалиётига ҳисса қўйиш имконини беради.

Учрашув

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева “БМТ-аёллар” ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий директори Белен Санс Луке билан учрашди. Сўзбат чоғида ушбу тузилма билан ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

“БМТ-аёллар” ташкилотининг Ўзбекистондаги офиси очилгани мамлакатда гендер тенглигини таъминлаш соҳасидаги халқаро алоқаларни янги босқичга олиб чиққан муҳим қадам сифатида эътироф этилди. Шунингдек, учрашувда

2026 йил апрель ойда “БМТ-аёллар”, ЮНФПА ва ЮНИСЕФ иштирокида бўлган ва хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришга қаратилган қўшма дастур доирасида биргаликда иш юритиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Хусусан, хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, уларнинг рақамли бозорлар, “яшил” иш ўринлари ва барқарор саноат тармоқларида иштирокини таъминлаш устувор йўналишлар сифатида белгилангани, 2028 йилда Ўзбекистонда навбатдаги форумни ўтказишда “БМТ-аёллар” тузилмасининг кўмаги муҳимлиги таъкидланди.



Эътироф

ЖЕНЕВАДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

БМТнинг Женевадаги қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган “Янги Ўзбекистон ислохотлари ва “Ўзбекистон — 2030” стратегияси” мавзусида халқаро тадбир бўлиб ўтди.

БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ходимлари, дипломатлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, олимлар, экспертлар, таҳлил марказлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Р. Ҳақимов ҳамда “Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори Э. Туляков сўзга чиқди.

Маърузаларда Президентимиз томонидан мустақиллигимизнинг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимда белгилаб берилган янги тараққиёт марралари, уларни ҳаётга татбиқ этишининг устувор йўналишлари, 7 та миллий дастур ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти хусусида атрофлича маълумот берилди.



«ЯШИЛ» РИВОЖЛАНИШ — ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида белгиланган келгуси йилларда амалга ошириладиган етти та миллий дастурдан бири сув ва табиатга муносабатни тубдан ўзгартиришга қаратилгани алоҳида аҳамиятга эга. Ана шу бир жумлада катта мазмун-моҳият мужассам. Чунки сув ва табиат масаласи энди фақат экологик соҳа доирасидаги вазифа эмас, мамлакатнинг узоқ муддатли тараққиёти, аҳоли фаровонлиги ва миллий хавфсизлиги билан боғлиқ стратегик масаладир.

Нуктаи назар

Айниқса, Ўзбекистон учун бунинг долзарблиги янада юқори. Иқлим ўзгариши, сув ресурсларига талабнинг ортиши, чўлла-

ниш, ерларнинг деградацияси, ҳаво сифати, аҳоли пунктларида яшил ҳудудларни кенгайтириш зарурати — буларнинг барчаси табиатга муносабатимизни ўзгартиришни талаб этмоқда.

Шунинг учун бугун экологик сиёсатда янги босқич бошланмоқда. Бу босқичнинг муҳим амалий ифодаларидан бири — “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини янги тизим асосида ташкил қилишдир.

Бугун иқтисодий ўсиш билан бирга экологик барқарорликни таъминлаш зарурияти ҳам долзарб бўлиб турибди. Замонавий технологиялар қанчалик ривожланмасин, табиий ресурслардан самарасиз фойдаланиш давом этса, узоқ муддатли тараққиётни таъминлаб бўлмайди. Демак, Янги Ўзбекистон-

нинг янги тараққиёт моделида “яшил” ёндашув алоҳида бир йўналиш эмас, балки барча соҳаларни кесиб ўтадиган муҳим тамойилга айланмоқда. Бу ёндашув иқтисодиётда — ресурс ва энергия тежамкорлигида, қишлоқ хўжалигида — сувдан оқилона фойдаланишда, шаҳарсозликда — “яшил” инфраструктурада, саноатда — экологик технологияларда, таълимда — экологик маданиятда, маҳаллада эса инсон ва табиат уйғунлигини таъминлашда намоён бўлади.

Бугун биз қандай ҳаводан на-

фас олишимиз, қандай сув ичишимиз, шаҳарларимизда қанча яшил ҳудуд бўлиши, заминимизнинг ҳолати ва табиий ресурслардан қандай фойдаланишимиз эртанги авлод ҳаётига ҳам бевосита таъсир қилиши, таъсир қилиши асосий мезони ҳозирги натижа билан чекланмаслиги керак. Биз бугунги қарорларнинг ўн, йигирма, ҳатто эллик йилдан кейинги таъсири ҳақида ҳам ўйлашимиз лозим. “Яшил макон”нинг янги тизимида айнан шу узоқ муддатли ёндашув мужассам.



«ЯШИЛ» РИВОЖЛАНИШ — ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Биринчидан, маҳаллаларда кам майдонда зич дарахт экиб, микроўрмонлар ва кичик жамоат боғлари барпо этилади. Маҳалла ўрмонзори уйлар, мактаблар ва боғчалар оралиғида 200 — 1000 метр квадрат майдонда, ҳар туман (шаҳар)да камида 10 гектар худудда яратилади. Ҳар мавсумда “маҳалла еттилиги” учун қисқа ўқув курслари ўтказилади. Фуқароларга боғларни парваришлаш бўйича ёрдам кўрсатилади.

Иккинчидан, “3-30-300” тамойили асосида “яшил дастурлар” амалга оширилади. Дастур боғлар, қўллар, сояли сайр кўчалари, сув тежовчи суғориш тизимлари ва чиқинди йиғиш шохобчаларини қамраб олади.

Тамойилга кўра, ҳар бир фуқаро ўз уйи ёки ишхонаси ойнасидан қараганда камида 3 та дарахтни кўра олиши керак. Ҳар бир аҳоли яшаш худудининг камида 30 фойзи яшиллик билан таъминланиши лозим. Ҳар бир фуқаро ўз яшаш жойидан яқин масофада жойлашган, майдонда камида 0,5 гектар бўлган яшил худудга бориш имкониятига эга бўлиши керак. “Яшил дастурлар” дастлаб Янгихаёт, Олот ва Ургут туманларига жорий этилади.

Учинчидан, Япония ва Корея Республикаси тажрибаси — компостлаш ва мулчалаш амалга оширилади. Бунда ботаника ва



дендрология боғлари, ўрмон ҳўжаликлари, йирик яшил худудлар ва ободонлаштириш бошқармалари худудларида чиқиндига айланадиган барг, новда ва бошқа органик қолдиқлар йиғилиб, тоза органик материаллар ажратилади, мулча учун майдоланади, компост учун қатламлар жойланади. Тайёр компост ва мулча худудни парваришлашда қўлланади.

Тўртинчидан, “Яшил лот”лар эълон қилинади. Бунда аҳолининг боғ яратиш бўйича талаб ва таклифлари қўлаб-қувватланади. Худуд фақат дов-дарахтлар экиш учун ажратилиб, ерлар жисмоний ёки юридик шахсга мулк сифатида берилмайди. Худудда қурилиш, ке-лишилмаган енгил конструкциялар ўрнатиш ва бошқа фаолият турлари тақиқланади. Ўз навбатида, аҳолининг умумий фойдаланиши экланмайди. “Яшил лот”лар жамоатчиликнинг экологик жараёнлардаги иштирокини кенгайтиради. Бу борада асосий мақсад — табиатни муҳофаза қилиш масъулиятини давлатдан жамиятга ўтказиш эмас, балки давлат ва жамият масъулиятини бирлаштиришдир.

Бундан ташқари, сув ресурс-

ларидан оқилана фойдаланиш ҳам ана шу вазифанинг узвий давомидир. 2030 йилга қадар мавжуд майсазорларни босқичма-босқич “ксерискейпинг” ме-тодига ўтказиш каби чоралар табиатни асраш билан бирга ресурслардан тежамкор фойдаланиш маданиятини ҳам шакллантиради. Зеро, Ўзбекистон шароитида “яшил” дегани кўпроқ сув сарфлаш дегани эмас. Аксинча, “яшил” тараққиёт — камроқ ресурс билан кўпроқ экологик натижага эришиш демакдир.

Тозалик масаласи ҳам шу умумий тизимнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу йил 1 октябрдан тозалик ва озодалик ойлигининг кучайтирилган тартибда ўтказилиши, янги чиқинди йиғиш майдончалари, кон-тейнерлар ва махсус техникалар ташкил этилиши, 800 та маҳаллада “Тоза маҳалла” экоакциялари ўтказилиши, минглаб таълим муассасаларида экологик маданиятга оид тадбирлар уюштирилиши — “яшил” муҳитни комплекс шакллантиришга қаратилган.

Президентимиз нутқида халқнинг бирлиги, меҳнати ва интеллектual салоҳияти мамлакат тараққиётининг асосий кучи экани алоҳида таъкидланди. Экологик тараққиётда ҳам худди шу омил ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Давлат томонидан тизимга асос солинади. Илм-фан ечим бера-

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ 288-МОДДАСИ ИККИНЧИ ҚИСМИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИГА МУВОФИҚЛИгини АНИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди (бундан буён матнда — Конституциявий суд) раислик қилувчи М. Абдусаломов, судьялар К. Камилов, Ж. Балкибаева, Р. Исмаилов, Ф. Машуков, А. Рахимов ва А. Раҳмановдан иборат таркибда, бош консультант У. Гиззовнинг котиблигида, тарафларнинг вакиллари — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Ф. Эшматова, тегишли давлат органлари вакиллари ва Конституциявий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг мурожаати бўйича Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 288-моддаси иккинчи қисмининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддаси учинчи қисмига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги ишни очик суд мажлисида кўриб чиқди.

Конституциявий суд маърузачи судья Р. Исмаиловнинг маърузасини, мурожаат этувчи тарафининг тушунтиришларини ва тегишли давлат органлари вакиллари ва Конституциявий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши аъзоларининг фикрларини эшитиб, иш материалларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

чеклашда мустақил ва ҳолис суд назоратининг мажбурийлигини кафолатлайди, қирқ саккиз соатлик муддат шахс эркинлигини суд қарорисиз чеклашнинг мутлақ ва юқори чегараси ҳисобланади. Бу қоида шахс озодлигини чеклашнинг ҳар қандай шаклига, жумладан, маъмурий йўл билан ушлаб туриш шаклига ҳам татбиқ этилиши лозим.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси ўзининг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт оғзасидан шарҳида суд қарорисиз ушлаб туришининг энг мақбул муддати сифатида қирқ саккиз соат этиб белгиланган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 288-моддасининг иккинчи қисмида чегара тартибни ёки давлат чегараси орқали ўтиш пунктларидаги тартибни бузган шахслар ҳуқуқбузарнинг шахсини ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳолларда — ушлаб пайтидан бошлаб йигирма тўрт соат ичида прокурорга ёзма тарзда маълум қилиб, уч суткагача ёки ҳуқуқбузарда ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, прокурорнинг санкцияси билан ўн суткагача муддатга ушлаб турилиши мумкинлиги белгиланган.

Шундай ҳулоса келиб чиқадики, шахс қонуннинг ушбу нормасига мувофиқ, суд қарорисиз — уч суткагача, яъни етмиш икки соатгача ёки ўн суткагача, яъни икки юз қирқ соатгача маъмурий йўл билан ушлаб турилиши мумкин.

Бунда маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қатъий белгиланган қирқ саккиз соатлик муддатдан яққол ошиб кетган.

Энг муҳими, ушбу нормаларда маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддатини қирқ саккиз соатдан узайтириш зарурати туғилганда, бунинг учун суднинг қарорини олиш лозимлиги назарда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мувофиқ шахсини қирқ саккиз соатдан ортқ ушлаб туриш фақат суд қарори асосида амалга оширилиши мумкин.

АНИҚЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Конституциявий судга мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 288-моддаси иккинчи қисмининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддаси учинчи қисмига мувофиқлигини аниқлашни сўраган.

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 133-моддаси биринчи қисми 1-банди ва “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий Қону-нининг (бундан буён матнда — Конституциявий Қонун) 4-моддаси биринчи қисми 1-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг мурожаатида келтирилишича, унга келиб тушган мурожаатлар таҳлили ўрганилганда, 2025-2026 йиллар давомида қонунуний маъмурий йўл билан қирқ саккиз соатдан ортқ вақт ушлаб турилганидан норози бўлиб фуқаролардан 6 та мурожаат келиб тушганлиги, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддаси учинчи қисмига мувофиқ шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги, бироқ Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 288-моддаси иккинчи қисмида чегара тартибни ёки Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси орқали ўтиш пунктларидаги тартибни бузган шахслар баённома тузиш учун уч соатгача муддатга ушлаб турилиши мумкинлиги, ҳуқуқбузарнинг шахсини ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳолларда эса — ушлаб пайтидан бошлаб йигирма тўрт соат ичида прокурорга ёзма тарзда маълум қилиб, уч суткагача ёки ҳуқуқбузарда ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, прокурорнинг санкцияси билан (суднинг қарорисиз) ўн суткагача муддатга ушлаб турилиши мумкинлиги ва бундаги уч суткагача ва ўн суткагача муддатларнинг белгиланиши шахсининг эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқини бузаётганлигини ва бу қоидалар Конституцияга нормаларига мувофиқ эмаслигини баён этган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддатлари институти бўйича хорижий давлатларнинг қонунлари ўрганилганда, Россия Федерацияси ва Беларусь, Қозоғистон, Қирғиз Республикаларида маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати уч соатгача эканлиги, Тожикистонда уч соатгача (ўн суткагача узайтирилиши фақат суд қарори асосида амалга оширилиши), Францияда тўрт соатгача эканлиги, Германияда аниқ вақт кўрсатилмаганлиги (ҳибсга олинган қонуннинг эртасидан кечиктирилмасдан судга етказилиши лозимлиги) аниқланган.

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Конституциявий суддан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 288-моддаси иккинчи қисмининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлашни сўраган.

Конституциявий суд мазкур масалани ўрганиб чиқиб ва иш материалларини таҳлил қилиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 288-моддаси иккинчи қисмининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддаси учинчи қисмига мувофиқлигини аниқлаш лозим деган ҳулосага келди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 27-моддасининг учинчи қисмида ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилиши, шунингдек, шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги аниқ белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида ўтказилган конституциявий ислохотлардан кейин “Habeas corpus” принци-пи кучайтирилди, яъни шахсини суд қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортқ ушлаб туриш мумкин эмаслиги Конституция даражасида мустақамланган.

Мазкур конституциявий норма “Habeas corpus” принципининг асоси бўлиб, у шахсининг озодлигини

КЕЛАЖАК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ НАМОЙИШИ



Кейинги икки йил ичи-да пойтахтимиздаги IT парк резидентлари мақоми-га эга бўлган япон компания-лари сони 2 тадан 25 тага қўйилган фикримизнинг яққол исботидир.

Форумда соҳа экспертлари Ўзбекистонда IT аутсорсинг, бизнес жараёнлари аутсорсин-ги, глобал бизнес хизматлари ҳамда сервис марказларини ривожлантириш янги босқичга кўтарилганини эътироф этди.

Дарҳақиқат, жорий йилнинг ўзида IT паркка 608 та янги компаниялар қўшилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисба-тан 178 фойз кўп. Бугунги кунда Ўзбекистондаги IT парк резидентлари виртуал хизмат-лар ва рақамли маҳсулотларини ривожлантириш янги босқичга экспорт қилмоқда. Келгусида бу рақам янада ошади, албатта.

Яна бир муҳим янгилик. “StartupBlink” компанияси ўбе-кистонлик ҳамкасблари билан узвий ҳамкорликда “Global Startup Ecosystem Awards — 2026” танловини ташкил этди. У тарихда илк бор офлайн фор-матда ўтказилди ва Ўзбекистон уни қабул қилган дастлабки мезбон мамлакатга айланди.

— Бундай форумларда кўп бор иштирок этганман. Бироқ бу галгиси мутлақо бошқача. Айниқса, махсус танлов ўтқа-зилгани ва унда юзлаб тақлиф-лар ичидан 15 та технологияли стартап инвесторлар томони-

Қорақалпоғистонда ҳам жорий этилиб, яна минг нафар ёш қамраб олинади. Бирлашган Араб Амирликлари билан Ўзе-кистонда бир миллион сунъий интеллект муҳандисини тайёр-лаш лойиҳасини амалга оши-ришга келишилган. “ICTWEEK Uzbekistan — 2026” халқаро ан-жуманининг ташкилотчиси ҳисобланган Рақамли техно-логиялар вазирлиги бу хайрли ишга бош-қош. Қолаверса, юртимизда ўтган йили 25 минг нафар қиз IT бўйича бепул ўқитилган бўлса, жорий йил бу кўрсаткич икки қарра ошади.

Форум доирасида булутли технологиялар, сунъий интеллект, стартаплар ва ўйин санаотига ба-ғишланган “AWS Community Day Uzbekistan” тадбири ҳам ўтказил-ди ва унда 500 дан ортқ маҳал-лий дастурчилар, булутли техно-



ўзбекистонлик тенгдошларим-га ҳавасим келди.

Бу йил Ўзбекистон IT соҳаси экспортини 1 млрд. долларга ет-казишни мақсад қилган. Шу боис давлатимиз раҳбарининг ташаб-буси билан юртимизда “Бир миллион дастурчи” лойиҳасига қўшимча 300 минг нафар ёш жалб этилмоқда. “Coursera” платформасида 3 мингдан ортқ курсларда сунъий интеллект ёрдамида ёшлар учун ўзбек ти-лида таълим олиш имконияти йўлга қўйилди. “Мухаммад Хо-размий ворислари” лойиҳаси



Абдунаби АЛИҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

логиялар бўйича мутахассислар иштирок этди. Дастурда 15 дан ортқ спикер, жумладан, виртуал олам технологиялари соҳасида ҳаёнда етакчи ҳисобланган “Amazon Web Services” вакилла-ри сўзга чиқди. Сараланган стар-таплар ўз маҳсулотлари ва биз-нес моделларини инвесторлар ҳамда венчур фондларига тақдим этди. Шу тариха гоёлар аниқ мақ-сад ва валютага айланишига йўл очилди.

Акрамжон САТТОРОВ («Халқ сўзи»).

ШАҲАРСОЗЛИККА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

Давлатобод туманидаги Янги Наманган шаҳарчаси худудида “Yashil makon residence” лойиҳаси доирасида беш гектар майдонда кўп қаватли уйлар, меҳмонхона, ресторан, автосалон, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилмоқда. Бугунги кунга қадар 4 та 9 қаватли ва 2 та 12 қаватли тураржой биноси қуриб битказилди.

Бунёдкорлик

Янги мажмуада уй-жой, савдо ва сервис хиз-матларининг ўзаро уйғунлаштирилгани аҳоли учун қўлайлик яратяди. Мазкур лойиҳа келгусида кўплаб янги иш ўринлари очилишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Яқинда фаолиятини бошлаган “Socials” ресторанида 50 нафар юртоҳимиз доимий иш билан таъминлангани шундан далолат беради.

Айни дамда яна 2 та 21 қаватли тураржой би-носи қурилиши давом этмоқда. Лойиҳа доираси-

да қарийб 400 млрд. сўм инвестиция ўзлаштири-лиши режалаштирилган. Қурилиш ишлари якуни-га етгач, 860 оила замонавий ва қўлай хонадон-ларга эга бўлади.

Янги Наманган шаҳарчасида амалга ошири-лаётган бунёдкорлик худуд қиёфасини янгилаш билан бирга, замонавий шаҳар муҳитини шакл-лантириш ва аҳоли учун муносиб яшаш шариот-ларини яратишга хизмат қилади.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.27 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5 6

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи»).

АҚШнинг Вашингтон штати жамоатчилигига Ўзбекистоннинг тарихий-маданий мероси, миллий анъаналари ва замонавий тараққиётига бағишланган махсус экспозиция намоиши этилди.